

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 240 (11.049)

Баҳоси эркин нарҳда

## ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ ҚАРИМОВ 5 ДЕКАБРЬ КУНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси А.Умаров очди. Йилгиланлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни давом эттириш, демократияни мустақамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоёвий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкчини камайтириш, ишлаб чиқаришга илгор, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислон Каримов кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Иқтисодиётимиз, халқимиз фаровонлиги, турмуш даражаси тобора юксалиб бормоқда. Пенсия таъминоти такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари мунтазам ошириб борилаётган. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодиёт ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда. Буларнинг барчаси ислохотларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани, халқ фаровонлиги ва даромадларини ошириб боришга доир стратегик вазифалар изчил амалга оширилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Ислон Каримов Самарқанд халқимиз фахру гурурининг ифодаси, жаҳон ахлининг қизиқиш ва эътиборига муносиб замин эканини таъкидлади. Самарқанд азал-азалдан бой тарихи, буюк мутафаккирлари, фозилу фузалолари, бетакрор

меъморий ёдгорликлари, ҳушманзара табиати, нозу неъматлари билан доғруғ қозонган. Жорий йилда нишонланган Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйи ва «Шарқ тароналари» олтинчи Халқаро мусиқа фестивали тантаналари бу қадим замин шухратини жаҳон узра янада кенг ёйди. Самарқанд ахли бугун буюк аждодларга муносиб равишда Ватанимиз равақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Вилоят юксак иқтисодий ва ижтимоий салохияти билан ҳам мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. Автомобиль заводи, «Сино», «Кинап» каби йириқ саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлиги ортмоқда.

Учрашувда сўзга чиққан Самарқанд тиббиёт коллежи директори Яхшинор Аллаёров, «СамАн-тепгилам» қўшма корхонаси раҳбари Камол Абдуллаев, вилоят «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев, Пайарик туманидаги 6-мактаб директори Людмила Шульга ва бошқалар юртимизда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, давлатимизнинг халқаро микросоғдидаги нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустақамлаш борасида амалга оширилган улғур ишлар Ислон Каримов номи билан бевосита боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ислон Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби масалаларни амалга оширишнинг мустақам қафолати эканини қайд этиб, сайловчиларни 2007 йил 23 декабрда бўладиган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**Б.НОРБОЕВ, Ҳ.ҲАСАНОВ,**  
 ЎЗА махсус мухбирлари

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ТОВАРЛАРИНИНГ КЎРГАЗМА ЯРМАРКА САВДОСИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИДА КУНИ КЕЧА ИШ БОШЛАГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ, ЕНГИЛ САНОАТ ҲАМДА НООЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА УЛГЎРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ БУГҮН ЎЗ НИҲОСИГА ЕТДИ.**

**Кўرғазмалар**

## МУВАФФАҚИЯТЛАРДАН ДАЛОЛАТ

Ушбу муҳим тадбирни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад келгуси йилда мамлакатимиз ички бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва рақобатбардош, харидор талабини қондирадиган янги турдаги маҳсулотлар билан тўлдириш, истеъмолчиларга арзон, харидоригар халқ истеъмол товарлари етказиб беришдир. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгани, ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани боис ҳам ички

бозоримиз ҳамда дўконларимиз пештахталари юқори сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан аъминланмоқда. Ушбу товарлар ҳам сифати, ҳам қадоқлаштириш билан, харидор талабининг бирмунча арзонлиги билан эҳтиёжини қондираётгани бунинг яққол далилидир. Ўтказилаётган кўрғазма ярмаркасида ҳам ана шу нарса яққол акс этиб, унда иштирокчиларнинг изланишлари, янгилик йўлидаги интилишларига ташриф буюрганлар амин бўлишмоқда.

(*Давоми 3-бетда*)

## 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

### КОНСТИТУЦИЯ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

**РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА «ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ» МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТЛИК ЖАМИЯТЛАРИ КЕНГАШИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ҲАМКОРЛИГИДА КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ МАРКАЗЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Анжуманда Республика байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев, Самарқанд вилояти немис миллий-маданий маркази раиси Н.Кайзер, Республика яҳудий миллий-маданий маркази раиси В.Михайлов, Республика туркман миллий-маданий маркази раиси О.Қурбонов ва бошқалар иштирок этишди. Президентимиз Ислон Каримов раҳномалигида юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ва ислохотларни чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидладилар. Бунинг энг муҳим омилларидан бири, шубҳасиз, мустақил давлатимизнинг

Конституциясидир. Мамлакатимиз суверенитети, демократия, диний бағрикенглик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик ва халқимиз бахт-саодатининг қафолати бўлмиш Конституциямиз юртимизда қарор топган тинчлик, дўстлик ва миллатлараро тотувликни мустақамлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. — Мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни биз, корейслар жуда юксак кадрларимиз, — дейди корейс миллий-маданий марказлари уюмчаси раиси В.Шин. — Конституциямизда ўзбек халқи хос бағрикенглик, инсонпарварлик каби фазилатлар ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган. Уюшмамиз ҳузурда «Тинбо» илмий-тех-

ника жамияти, «Корё» корейс миллий рақс ансамбли, ёшлар маркази, санъаткорлар, расомлар, ёзувчилар бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда. Анжуманда «Ўзбекистон Конституцияси – миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг ҳуқуқий пойдевори», «Тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятлар», «Глобаллашув жараёнида бағрикенглик ва Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги» мавзусларида маърузалар тингланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди. **Жасур КЕНГБОЕВ,** ЎЗА мухбири

## АКМАЛ САЙДОВНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

**САЙЛОВЧИЛАРИНИНГ ТАШАББУСКОР ГУРУҲИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АКМАЛ САЙДОВ 5 ДЕКАБРЬ КУНИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Навоий шаҳрида ўтган учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Навоий округ сайлов комиссиясининг раиси С.Мавлонов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Навоий вилоят бўлими раиси Б.Ҳамдамова йилгиланларни номзоднинг таржимаси ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самараларини бераётгани таъкидланган. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ тизими, фан, таълим, маънавий-маърифий со-

ҳалардаги ислохотлар изчил давом этмоқда. Демократияни мустақамлаш, ёшлар тарбияси, уларнинг комил инсон бўлиб вояга етиши йўлида салмоқли ишлар олиб борилаётган. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А.Саидов нутқ сўзлади. Учрашувда сўзга чиққан Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Жамшид Раҳмонов, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Навоий шаҳар бўлими раиси Гулчехра Норкулова, Навоий шаҳридаги техника-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Дилшод Муртозаев, Навоий шаҳридаги 26-болалар

боғчаси мудираси Назира Юсупова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловчи кўппартиявийлик ва альтернатив асосда, жумладан, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод иштирокида ўтаётган мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинаётганидан, миллий сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканини алоҳида қайд этди. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь кунини бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда фаол иштирок этишга чақирдилар.

**Ёрқул УМАР,**  
 ЎЗА мухбири

## ДИПЛОРОМ ТОШМУҲАМЕДОВАНИНГ НАМАНГАНЛИК САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

**ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ДИПЛОРОМ ТОШМУҲАМЕДОВА 5 ДЕКАБРЬ КУНИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Наманган округ сайлов комиссиясининг раиси К.Абдуллаев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, «Адолат» социал-демократик партияси Наманган вилояти кенгаши биринчи котиби Ҳ.Аҳмадхўжаев йилгиланларни номзоднинг таржимаси ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самараларини бераётгани, мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги юксалиб бораётгани таъкидланган. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар чуқурлашиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи тобора мустақамлашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Д.Тошмуҳамедова нутқ сўзлади. Учрашувда сўзга чиққан Республика ақушер-

лик ва гинекология илмий текшириш маркази Наманган филиали бўлим мудираси Ойшахон Кўчқорова, Тўрақўрғон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори Набижон Бойбобоев, Чуст туманидаги «Бобур» илмий-ишлаб чиқариш маркази директори Абдуғаффор Қосимов, Наманган шаҳридаги 82-дорихона мудираси Махмуджон Азизов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва альтернатив асосда ўтаётган мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинаётганидан, миллий сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканини алоҳида қайд этдилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь кунини бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда фаол иштирок этишга чақирдилар.

**И.РАЗЗОКОВ,**  
 ЎЗА мухбири

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да Халқаро Ўзбекистон тўқимачилик ярмаркаси ўз ишини бошлади. Ўзбекистон Ташқи Иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акционерлик компанияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда дунёнинг 30 дан ортиқ давлатидан 200 дан зиёд ишлаб чиқариш субъектлари ва хизмат кўрсатиш муассасалари иштирок этмоқда.

● Бугун Тошкентда кардиологларнинг «Фан ютуқлари: назарийдан амалиётга» номли илмий-амалий конференцияси бошланди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика ихтисослашган кардиология маркази ушбу анжуманининг ташкилотчилари бўлишди.

● Кеча А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида «Конституция, маънавият ва мафкура» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

● Навоий давлат педагогика институтида бўлиб ўтган минтақавий илмий-амалий анжуманда Конституция ва шахс жамият, давлат ўртасидаги муносабатлар юзасидан атрофлича фикр юритилди. Анжуманда Навоий, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан олим ва тарихчилар, тадқиқотчи ва мутахассислар, ўқитувчи ва талабалар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

● Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодлари ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловнинг Қашқадарё вилоят босқичи якунланди. Мазкур нуфузли танловда умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган 68 нафар иқтидорли қиз турли йўналишлар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

● Гулистонда марказий шаҳар касалхонасини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етди. Таъмирлаш ишлари учун ҳомийлар маблағидан фойдаланилди. Яъни 450 миллион сўмдан ортиқ маблағни «Гулистон-нэктрактё» акциядорлик жамияти ва шаҳар тадбиркорлари ажратди.

● Қорақўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчиси Суръат Исмоилов Москвада МДХ мамлакатлари ўртасида ўтказилган халқаро фан олимпиадаси голиби бўлди.

● Наманган шаҳар аэропорти яқинда миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида тубдан таъмирланиб, ишга туширилди. Бу ердаги катта ҳажмдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари «Қурилиш-бутлаш-таъмирлаш» масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан бажарилди.

● Республика Байналмилал маданият марказида «Светлица польска» поляк маданият маркази фаоллари ташаббуси билан «XX асрнинг поляк шлягери» номли фестивал бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

● БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Яқин шарқда вазиятнинг кескинлашгани муносабати билан Жўлан тепалигида жойлашган халқаро тинчликпарвар кучларнинг мuddатини яна олти ойга узайтириш таклифи билан чиқди. Мазкур кучлар 1974 йилда Сурия ва Исроил ўртасидаги кескинликка барҳам бериш мақсадида ушбу тепаликларга жойлаштирилганди.

● Айварс Калвитис бошчилик қилаётган Латвия ҳукумати истеъфога чиқди. Мамлакат жамоатчилигининг ишонсизлиги бунга сабаб бўлди.

● Форс кўрфазидидаги араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши етакчилари навбатдаги учрашув чоғида 2010 йили ҳудудда ягона валютанинг жорий этилишига келишиб олишди.

● Кеча АКШнинг Небраска штатидаги савдо марказларининг бирида номаълум кимса атрофидидаги тўсатдан ўққа тутиб қолган. Натижада 9 киши ҳаётдан қўз юмган, беш киши эса турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Полициячилар томонидан қўлга олиниши чоғида ушбу жиноятчи ўзини отиб ўлдирган.

● Бугун Москвадан Сахалин ўлкасидаги Северо-Курильск шаҳрида рўй берган электр энергияси соҳасидаги йирик аварияга барҳам бериш мақсадида дизелли генератор юборилди. Айтиш керакки, авариядан сўнг тўрт кундан буён шаҳар буткул электр қувватисиз қолган.

● Челябинск областида яшовчи 8 ёшли Виктория Бриленко кучли ёнгин чоғида ўзининг учта синглиси ва укасини қутқариб қолганлиги учун «Ёнгин пайтида жасурлиги учун» медали ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

● АКШ шимоли-ғарбида юз бераётган кучли довул туфайли беш киши ҳалок бўлди. Мамлакат миллий метеорология хизмати Вашингтон ва Орегон штатидаги бир неча округларда сув тошқинлари юз бериши эҳтимоли борлигидан огоҳлантирмоқда. Шу муносабат билан ушбу штатларда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

● Жанубий Кореяда ҳеч қандай пружина ва маятниксиз, фақат сув ёрдамида ҳаракатланадиган, доимо аниқ вақтни кўрсатувчи ноёб соат яратилди. Унинг нархи миллион доллардан ортқидир.

● Хитойнинг Шаньси музофотида бундан уч минг йил аввал мамлакатни бошқарган император қабири топилди. Қабрдаги даҳмдан олтин, нефрит идишлар ва буюмлар, ўша даврдаги кийим-кечаклар ҳам топилган.

# Конституциямиз яшамокда ва амал қилмокда

Унда энг аввало, инсон кадр-қиммати, манфаати, шаъни ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларининг ҳар қандай масалалардан устувор эканлиги мустақамланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган бўлиб, бўлимининг 18- моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги белгилаб қўйилган. Бу конституциявий қоида Ўзбекистонда фуқаролар ўртасида ижтимоий адолат тамойилларини қатъий белгилаб берувчи нормади.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги жаҳон стандартлари «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» (1948 йил,БМТ), «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақида Халқаро Пакт», «Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари ҳақида Халқаро Пакт»(1966 йил) ва шу каби халқаро ҳужжатларда белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари хилма-хил ва кўпқирралидир.Ҳаётда инсонга доимий равишда турли ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи ҳамроҳлик қилади. Ижтимоий ҳаёт такомиллашгани сайин ҳуқуқ ва бурчлар мажмуи ҳам такомиллашиб,ўзгариб ва кенгайиб боради.

Инсон туғилиши билан унда бир қатор ҳуқуқларнинг табиий тарзда вужудга келиши ва бу ҳуқуқларнинг инсондан ажралмас эканлигининг тан олинishi инсоният жаҳатидан энг буюк ютуқларидан бўлди. Бу ютуқнинг натижаси ўларок инсон ҳуқуқлари концепцияси ҳар қандай давлатда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда бошланғич асос бўлиб хизмат қилади. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам бу концепция ўз аксини толган. Инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бу ҳуқуқларнинг инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқлари ва эркинликлари эканлигидан келиб чиқади ва уларнинг ҳимоясини кафолатлаш мақсадида ҳокимият ва махсус идоралар тизимини ташкил этади.

Президентимиз Ислам Каримов ўз нутқларидан бирида «Бизнинг Конституциямиз демократик конституцияларга қўйилган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқароларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди»дея таъкидлаб ўтганлар.

Конституция бошқа қонунларга, жамиятдаги ижтимоий муносабатларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади ва Ўзбекистоннинг барча ҳудудида устувор амал қилади. Ўзбекистонда қабул қилинган барча қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари Конституцияга зид бўлмаслиги даркор.

Дарвоқе, ҳозирда мамлакатимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг туб моҳияти инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини қонунда ва амалда таъминлаш ҳамда бунинг учун етарли кафолатлар яратишдан иборат. Зеро, Конституциямизнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъулиги (2- моддаси) тўғрисидаги қоида билан бошлангани ҳам инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг давлат манфаатларидан устувлиги ифодасидир.

Хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти принципларининг амалга оширилиши Конституция орқали таъминланади. Конституция ҳуқуқий лаёқатни, ҳуқуқий мақомни ва мажбуриятларнинг ҳуқуқий муносабатлар орқали амалга оширилишини белгилайди. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг мақсади ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларида мустақамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти дахлсизлиги, кадр- қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг самарали механизмларини шакллантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан чиқариб ташланиши ҳамда қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсонпарварлик йўлидаги ҳаракатларнинг намунасидир.

Айниқса, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ва ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш йанада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишда уларга зарур ёрдам кўрсатиши, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашни назарда тутувчи «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармониинг қабул қилиниши айнан халқимиз дилидаги эзгу ниятларнинг ифодасидир.Ушбу беминнат кўмак боис юртимиздаги кам таъминланган оила фарзандлари, ёш оилалар давлатимиз томонидан моддий ва маънавий ёрдам олиш имкониятига эга бўлди. Мухтасар қилиб айтганда, Давлат дастурининг барча йўналишлари ижтимоий ҳимояни кучайтиришга қаратилган. Эзгу мақсаднинг ижроси ўз навбатида эртанги кунга бўлган ишончни мустақамлайтиди. Қолаверса, мамлакатни ривожлантириш ва юксалтиришда давлатимиз раҳбари илгарти сурган асосий тамойиллар инсонпарварлик принципларига қаратилган. Зотан, инсон манфаатлари ҳимоя қилинган, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган жамиятни қонунлар бошқаради. Ана шу қонунлар мажмуаси бош қомусимиз бўлган Конституцияда ўз ифодасини толган. Президентимиз сўзлари билан айтганда, «Бугунги кунда Конституциямиз ҳақида сўз борганда, энг долзарб, керак бўлса, энг буюк вазифамиз Олий Қомусимиз белгилаб, муҳрлаб берган асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдан иборат» эканлиги бунинг асосий исботидир.

Хайридин ФАЙЗИЕВ, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи.

## ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АКС ЭТГАН

**МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАН, ФУҚАРОЛАРНИНГ МУНОСИБ ҲАЁТ КЕЧИРИШЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИНСОНПАРВАР ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ, АҲОЛИНИ ТИНЧЛИГИ ВА МИЛЛИЙ ТОТУВЛИГИНИ ЯРАТИШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.**

Дарҳақиқат, «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир.Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир»,- дейилади Конституциямизнинг 24- моддасида. Мазкур ҳуқуқ инсоннинг энг асосий ҳуқуқи, унинг ҳаёт кечириши кафолатидир. Қабул қилинаётган қонунларимиз ана шундай инсонпарварлик гоиларига йўрилган Конституцияда белгиланган нормаларга таянади. Бундай инсонпарварлик тамойилларини ўзида тўла акс этирган қонунларимиз барча соҳаларда қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоясига муҳим эътибор қаратилди. Бошқа соҳаларда бўлгани сингари ижтимоий муносабатларда ҳам жиддий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида энг аввало ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли тоифалари - кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ота-онасиз қолган етимлар, ногиронлар, талабалар ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга катта аҳамият берилаяпти. Жумладан,

Хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти принципларининг амалга оширилиши Конституция орқали таъминланади. Конституция ҳуқуқий лаёқатни, ҳуқуқий мақомни ва мажбуриятларнинг ҳуқуқий муносабатлар орқали амалга оширилишини белгилайди. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг мақсади ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларида мустақамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти дахлсизлиги, кадр- қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг самарали механизмларини шакллантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан чиқариб ташланиши ҳамда қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсонпарварлик йўлидаги ҳаракатларнинг намунасидир.

Хайридин ФАЙЗИЕВ, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи.

## ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ

**РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ БЎЛМИШ КОНСТИТУЦИЯМИЗДА «ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ МИЛЛАТИДАН ҚАТЪИ НАЗАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛАРИ ТАШКИЛ ЭТАДИ», ШУНИНГДЕК, «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎЗ ҲУДУДИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ БАРЧА МИЛЛАТ ВА ЭЛАТЛАРНИНГ ТИЛЛАРИ, УРФ-ОДАТЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИ ҲУРМАТ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ, УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТАДИ» ДЕБ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН.**

Бугунги кунда юртимизда 140 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзбеклар билан бир тан, бир жон бўлиб ўзаро тинч-осуда, ҳамқору ҳамфикрликда истиқомат қилмоқда. Уларнинг ўз она тилларида таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан республика ҳудудидидаги 762 та мактабда рус, 581 та мактабда қозоқ, 376 та мактабда қорақалпоқ, 318 та мактабда тожик, 64 та мактабда туркман тилларида таълим берилмоқда.

1991 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Корейс маданият марказлари уюшмаси ҳам ўтган 16 йил давомида халқлар ўртасида ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ришталарини бoғлашга хизмат қилиб келмоқда. Марказ аъзолари томонидан мунтазам ўтказилиб келинаётган фестиваллар, кўрик-танлов ва кўзикарли учрашувлар иштирокчиларни нафақат корейс маданияти, урф-одатлари билан таништиришга, балки турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

— Уюшмаимиз ўзида 29 та миллий-маданий марказларни бирлаштиради, — дейди марказда узоқ йиллардан бери фаолият олиб бораётган Михаил Ким. — Республикаимизда нишоннадиган ҳар бир байрамга катта тайёргарлик кўраемиз. Қўшиқларимиз, байрам дастурлари, кўргазмалли чиқишларда биз учун муқаддас Ватан ҳисобланмиш Ўзбекистонимизга бўлган чексиз муҳаббатимиз ўз ифодасини топади.

Айтиб ўтиш жоизки, Корейс маданият марказлари уюшмасида корейс ёшлари маркази ҳамда кутубхона фаолият кўрсатиб келмоқда. Ундан нафақат уюшма аъзолари, балки корейс маданияти ва тарихига қизиққан ҳар бир киши фойдаланиши, корейс тилини ўрганиши, шунингдек корейс буюмлари кўргазмасидан баҳраманд бўлиши мумкин.

Азиза МУҲАМЕДОВА

**ШАҲРИМИЗДАГИ МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР САРОЙИДА РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРБИЁТ МАРКАЗИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР УРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА ЮНУСОБОД ТУМАНИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАЪРИФИЙ ТАДБИР ЎТҚАЗИЛДИ.**



## МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Юнусобод туманидаги маҳаллалар оқсоқоллари ва фаоллари, тумандаги коллежлар ва лицейлар ўқувчилари иштирокида ўтказилган тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик қоидадаги Марказий офицерлар саройи раҳбари Д.Абляев, Маънавият тарбиёт маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари И.Абдуғаниевлар мамлакатимизда Бош Қомусимизга асосланган ҳолда ҳарбий соҳани ислох қилиш, маънавий-маърифий борадаги ишларни такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш йўналишидаги самарали ишлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтишди.

Хуқуқшунос А.Чўлиев эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳуқуқий асослари тўғрисида фикр юртди.

Тадбир давомида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоблар олишди. Хизмат кўрсатган Куролли Қучлар ашула ва рақс дастаси ижросидаги ватанпарварликни тараннум этувчи сара қўшиқлар йиғилганлар қалбига илиқлик бағишлади.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТДА: тадбирдан лавҳа. Козим Ўлмасов олган сурат

## Фахр

# ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ЭЪТИРОФ ЭЪТИЛГАН

**БАРЧАМИЗГА МАЪЛУМКИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ХАЛҚИМИЗ ВА ЖАМИЯТИМИЗ ҲАЁТИДА ТУБ ЎРИЛИШЛАР ЙИЛЛАРИ БЎЛДИ. БУГУН ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ ҲАМ БУНИ ТАН ОЛМОҚДА. ҲАР БИР СОҲАДА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЭРКИН, ҲУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА ИЛДАМЛАЁТГАН ХАЛҚИМИЗ УЧУН ДАСТУРУЛАМАЛ БЎЛМОҚДА.**

Тарихан ўтган қисқа вақт ичида мамлакатимиз сиёсий тузуми, иқтисодиёти, ижтимоий тараққиёти соҳаларида катта ўзгаришлар, янгиликлар бўлди ва бу жараён давом этмоқда. Аввало истисноққа эришган Республикаимиз барча орзу-шаноатини ўзининг Асосий Қонунига мустақамлади, унинг муқаддимасидаёқ ҳуқуқий-демократик давлат қуришга бўлган интилиши ўз ифодасини топти. Бош Қомусимизнинг асосий йўналиши — инсон ва унинг ҳаётини улуглаш деб белгиланди. Унинг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади» деб мустақамлаб қўйилган.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг бош мақсади — эркин фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришдир. Бу мақсадга эришиш эса осон кечмайди, балки муайян вақт ва тараққиёт даражасига эришиш талаб этилади. Бунда албатта шу жамиятда яшаётган ҳар бир шахснинг ҳуқуқий саводхон, юксак маданиятли, соғлом ва баркамол бўлиши, шунингдек, ўз бурчларини ҳам виждонан бажариши муҳимдир.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан ёш авлод қамолоти йўлида қабул қилинаётган Фармон ва қарорларда ҳам айнан мана шу эзгу мақсадлар ўз ифодасини толган. Биргина Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонидан кейин фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари юридик жиҳатдан мустақамлаб қўйилган Конституциямиз мактабига таълим муассасаларидан, мактабдан бошлаб фан сифатида ўқитила бошланди. Уэлуксиз таълим тизимига хизмат қилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «2004-2009 йилларда шу жамиятда яшаётган ҳар бир шахснинг ҳуқуқий саводхон, юксак маданиятли, соғлом ва баркамол бўлиши, шунингдек, ўз бурчларини ҳам виждонан бажариши муҳимдир.

Биз юртимизда кечаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида фикр билдирар эканмиз, юрагимизни чексиз фахру-ғурур эгаллайди. Ҳар бир инсон ҳақида гамҳурлик қиладиган, ижодий ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берадиган, фарон яшашга интилишини қўллаб-қувватлаб, шарт-шароитлар яратишга интиладиган давлатда яшаётганимиздан гурурланамиз. Биз айни Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 15 йиллигини кенг нишонлаш арафасида эканмиз ҳамиша юртимиз тинч, мустақиллигимиз абадий бўлишини, фуқароларимизнинг эса шу юртга муносиб, ҳуқуқий саводхон, маънави ва жисмонан баркамол, руҳан тетик, бурчларини чўқур англаб қонун устуворлигига эришишга интиладиган бўлишларини истаб қоламиз.

Ўзида акс эттирдик. Суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислохотлар, Президентимизнинг

## Назм

### ҚОМУСЛИ ВАТАНИМ (қўшиқ)

Ҳар оғир қисматга чўдайдим инсон, Аммо-ки таҳқирга чидамас бир он. Бош кўтариб борар тикка қазага, Таҳқир қамчисига айланса макон.

Ўзбекистон халқи озод таҳқирдан. Ҳар бир миллат бунда мамнун таҳқирдан: Тили, Дини, Эрки эмас сояда, Ҳеч ким азоб чекмас ноҳақ занжирдан.

Ҳаммаза баробар Адолат, Меҳнат! Ҳаммаза баробар Ҳурмату Иззат. Меҳнат қилган кишини ноиндор бутун, Кимгадир пинҳона қилинмас Ҳимнат.

Бирон зот қувилмас миллати учун. Лекин жазо олу иллати учун. Уйвону муқофот берилур албат. Эла қилсан халол меҳнати учун.

Эй Ҳайдар, кўз ташла диёрга бир бор, Кадр учун қанча шарофатлар бор. Қомусли Ватаним ривожини шундан, Инсон ҳуқуқлари бунда устувор.

Ҳайдар МУҲАММАД

# БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗ СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ТУФАЙЛИ ХАЛҚИМИЗГА ХОС БАҒРИКЕНГЛИК ВА КЕЧИРИЛИЛИК ФАЙЛАТЛАРИ ТЎЛА НАМОЁН БЎЛАЁТИР.**

Давлатимиз раҳбари тақдирномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан шу йил 30 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарор замирида ҳам айнан шундай эзгу мақсад мужассам.

— Конституция тинч ва оқилона ҳаётимизнинг ҳуқуқий асосидир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова. — Унинг беқиёс кадр-қиммати ва маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ҳамда аҳамияти йиллар ўтгани сайин янада ортиб бораверади. Айни чоғда Конституциямиз туб моҳиятида олий кадрият сифатида эътироф этилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шахс эркинлиги ва унинг дахлсиз ҳуқуқларини таъминлаш гоёси устувор аҳамиятга эга.

Ном қайд этилган қарорда ҳам бағрикенглик ва меҳр-шафқат тамойиллари ўз ифодасини толган. Унда аёллар, воёга етмаган шахслар ва ёши улуг кишиларни биринчи навбатда жазодан озод этишга алоҳида эътибор қаратилгани фикримиз далилидир. Жумладан, қарорга мувофиқ, биринчи марта содир этган жиноятлари учун судланган аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар, чет эл фуқаролари жазодан озод қилинади.

Қайд этиш жоизки, мазкур тоифадаги шахслар жазони ўташ жойларидан бўшатилди, шу билан биргеге, аёллар, воёга етмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар, 4 чет эл фуқаролари томонидан содир этилган жиноятлар о юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилди. Мазкур ҳужжатнинг яна бир афзаллиги шундан иборатки, унга кўра жазо ўтаётган айрим шахсларнинг жазо муддати тегишли тартибда и қисқартирилади.

Қарорга мувофиқ тақибланган ташкилотлар ф фаолиятидаги иштироки, улар таркибига тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган. Бу халқимизга хос кечиримилик ва бағрикенгликнинг юксак намунасидир.

Қарорда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириши алоҳида таъкидланган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар жазони ижро этиш жойларидан қайтарилган жамиятга мослашиши юзасидан тегишли қораларни кўриши, яъни улар иш билан таъминланиши, ёлғиз ва ёрдамга муҳтож шахсларнинг ногиронлар ва қариялар уйига жойлаштирилиши, воёга етмаганлар эса ўз ота-оналари ёки васийлик органларининг назоратига топширилиши зарур.

Ҳа, мазкур қарорнинг қабул қилиниши ва ижросининг таъминланиши давлатимиз раҳбари юритаётган оқилона сиёсат - инсонпарварлик тамойилларининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Ўза 1 мухбири НОРГУЛ АБДУРАИМОВА ёзиб олди.

## Иқтисодиёт

# СИФАТЛИ, ТҶЙИМИЛИ ҲАМДА ШИФОБАҲШ

**ДАСТУРХОНЛАРИМИЗ КЎРКИ, АЗИЗ НЕЪМАТ ҲИСОБЛАНГАН НОН ВА НОН МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЛАРНИНГ СИФАТИГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТГАНЛАРИ ҲОЛДА, АҲОЛИ СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИГА ҲАМ МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШМОҚДА.**

Шахримизда фаолият юритаётган «Hoji Said» маъсулияти чекланган жамиятининг 35 нафар ахил жамоаси ҳам элимиз саломатлиги йўлида маҳсулотларини бойитилган ундан тайёрлашмоқда. Ушбу жамият цехларига ўрнатилган, Германия давлатининг етакчи компаниялари томонидан тайёрланган ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг юксак унумли дастгоҳ ва ускуналари, технологик линиялар ишчи-хизматчиларга маддадор бўлмоқда.

Ҳозирда жамоа аҳолининг саб-ҳаракатлари тўғрисида 30 дан ортиқ нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Уларнинг бари дармон дориларга бой бўлиб, иштаҳа очувчи, камқонлик, қандли диабет билан касалланганларга, қон босими ошганларга мўлжалланган. Шунингдек, ёшув-кексаларга бирдек ёқадиган ёнғоқ, асал, творог, майиз қўшиб тайёрланадиган булочкалар, сифатли тешиккулчалар хариддорлиги билан ажралиб туради.

Барча маҳсулотлар фақат сифатли хом ашёдан тайёрланиб, «Тошкентнонмаҳсулотлари» компаниясидан олинди, ушбу ун эса жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб беради. Эътиборли томони, жамият тадбиркорлари ички бозоримизни чўқур ўрганиш асосида янги хариддоригр нон турларини яратиш устида доимий изланишдади.

## «АКИН» САВДО БЕЛГИСИ БИЛАН

**ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА МУНОСИБ ҲИССАСИНИ ҚЎШИШГА ИНТИЛАЁТГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАР САФИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. УЛАР НАФАҚАТ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАРИ, БАЛКИ КОРХОНАЛАРИДА ФУҚАРОЛАРИМИЗГА ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ ЯРАТАЁТГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИК.**

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Polisan industrial plus» қўшма корхонаси жамоаси ҳозирда «АКИН» савдо белгиси билан 100 дан ортиқ турдаги полипропилен кувурлар ҳамда фитинглар ишлаб чиқармоқда. Жумладан, уларга улвоччи қисмлар ва аксессуарлар ҳам ушбу корхонанинг малакали ишчи-хизматчилари касб-маҳорати ила тайёрланади. Турли диаметрли кувурлар сифати, ишлатишда қулайлиги, узоқ вақт хизмат қилиши билан алоҳида ажралаб туради ҳамда иссиқ ва совуқ сув таъминотида самарали қўлланилмоқда.

Ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ишчи-хизматчиларга замонавий, хоржий, юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар кўмак бермоқда. Корхона тадбиркорлари ички бозоримизни чўқур ўргана бориб, янги маҳсулот турларини яратишни мақсад қилганлар.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Кўргазмалар

**МУВАФФАҚИЯТЛАРДАН ДАЛОЛАТ**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Улгуржи савдо ярмаркасида мулкчилик шаклидан қатъи назар мамлакатимиздаги товар ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо ташки-

да истеъмолчилар учун қулайлик яратиш мақсадида унча жойда ташкиллаштирилди. Иккинчидан эса тадбирда иштирокчилар сони ортиб, улар 165 тага етди. Яна бир

тилган мева-сабзавотлар, халқ истеъмоли товарларининг кўплаб турлари тақлиф этилмоқда. Айниқса, ўнлаб фойдали шартномалар имзоланаётгани талаблар даражасидаги маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқарилаётганини яққол исботлаб турибди.

— Корхонамиз бугунги бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш юритиб, пойабзалларнинг харидоригир турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда,— дейди пойтахтимиздаги «Пойабзалчи» акциядорлик жамияти раиси Мирмаксуд Миробидов. — Бугунги ярмаркага 20 турдан ортиқ пойабзалларимизни олиб келдик. Ушбу тадбирда фойдали шартномалар имзолаш баробарида келгули ютуқларимизга замин ҳозирлаб, истеъмолчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам ўрганиб борамиз.

Ярмарка давомида ҳам ишлаб чиқарувчилар, ҳам истеъмолчиларнинг фаоллиги сезилмоқдаки, бу албатта, унинг кўзланган мақсадга эришувидан дарак беради.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
**СУРАТЛАРДА: улгуржи савдо ярмаркаси фаолиятдан лавҳалар.**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**



лотлари, кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар иштирок этишмоқда. Тадбир павильонларидан «Узгўштсаноат», «Ўзбекчармпойабзали», «Ег-мой ва озиқ-овқат саноати» «Ўзэлтханоат» уюшмалари, шунингдек, «Ўздонмаҳсулот», «Ўзвиносаноат-холдинг», «Ўзкимёсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўзэнгилсаноат» компаниялари ва бошқа кичик корхона, хусусий тадбиркорларнинг маҳсулотлари ўрин олган бўлиб, улар ишлаб чиқарувчиларнинг сўнгги муваффақиётларидан далолатдир. Шу боис ҳам кўргазмага ташриф буюрганларнинг қизиқишлари маҳсулотларнинг талабга яраша эканлигини исботлаб турибди.

Бу галги ярмарканинг ўтган йиллардагидан фарқи хусусида ҳам айтиш жоизки, аввало ўтган йили улгуржи савдо ярмаркаси маҳсулот турларини ажратган ҳолда саккиз жойда ўтказилган бўлса, айна пай-

мўҳим жиҳати эса иштирокчилар, яъни товар ишлаб чиқарувчилар савдо майдонидан беғул фойдаланишмоқда.

Ярмаркада корхоналар томонидан ички бозорга, яъни истеъмолчиларга замонавий технологиялар асосида тайёрланган гўшт, сўт, қандолатчилик, макарон маҳсулотлари, алкогольли ва алкогольсиз ичимликлар, қайта ишланган ҳамда қури-



**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚШУНОСЛАР ЭЪТИРОФИ**

**ПОЙТАХТДАГИ «DEEMAN SILK ROAD» МЕҲМОНХОНАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА 10 ЙИЛ: ТАЖРИБА ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.**

Мақсуд анжуман Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази ҳамда Германия техник ҳамкорлик жамияти томонидан ташкил этилди.

Тадбирда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, шунингдек, Германия, Россия ва қозоғистонлик ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида биринчилардан бўлиб бозор муносабатларининг асосий ҳуқуқий таъминлари ва мезонларини белгиловчи Фуқаролик

кодексини қабул қилганлиги ҳамда у жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, гуманитар ва бошқа соҳаларни босқичма-босқич демократик тарзда қайта қуришда энг муҳим ҳамда самарали қонунчилик асоси бўлиб хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг мулкий ўзга ашёвий ҳуқуқлар, гаров, давлат контрактлари, интеллектуал мулк ва бошқа муносабатларни тартибга солувчи қоидаларини янада такомиллаштириш зарурилиги ҳам айтиб ўтилди.

— Бу анжумандан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон қонунларини халқаро андозаларга мувофиқлаштириш ва тараққий этган мамлакатлар тажри-

**ШУ КУНЛАРДА УКРАИНА ПОЙТАХТИДА «ХАЛҚ АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ ВА МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР КЎРГАЗМАСИ» ДОИРАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ, МАДАНИЯТИ ВА АНЪАНАЛАРИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН ЭКСПОЗИЦИЯ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА. У ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ УКРАИНАДАГИ ЭЛҶИХОНАСИ КЎМАГИДА КИЕВ ШАҲАР МАЪМУРИЯТИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

**КИЕВДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЙ МАДАНИЯТИ ВА АНЪАНАЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА**

Ўзбек халқининг бой тарихи ва юксак маданияти, меъморчилик ва санъати, бадиий ҳунармандчилиги билан танишиш кўргазма меҳмонларида том маънода катта қизиқиш уйғотди. Мазкур экспозицияда юртимизнинг турли ҳудудларида яшайдиган аҳолининг миллий, ўзига хос либослари, шойдан тайёрланган рангбаранг матолар, кулолчилик, ганчкорлик ва қандакорлик буюмлари, гиламлар ва зардўзлик маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Киев шаҳар маъмуриятининг Миллатлар ва миграция масалалари бошқармаси бошлиғи В.Горовый ушбу кўргазмада Ўзбекистон бой тарихий-маданий меросининг мўъжаз бир бўлагини намойиш этилаётганини қайд этар экан, давлат ўз халқининг миллий маданияти ва санъатини асраб-авайлаш, уни янада ривожлантириш ҳамда ўрганиш масалаларига нисбатан ғамхўрлик билан муносабатда бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Бадиий-амалий санъат музейи директори А.Вялец эса ёшлик пайтлариданқўзбек халқига нисбатан илиқ ва самимий хислар билан тарбия тоганини, мамлакатимизнинг бебахо ва бой маънавияти ҳамда фалсафасига ҳамиша мафтун бўлиб келгани хусусидаги фикрларини ўртоқлашди.

— Кўргазмада Буюк Ипак йўли йўналиши бўйлаб жойлашган жаҳон халқларининг фаол маданий алмашинуви таъсирида шаклланган миллий тарих ва анъаналарнинг ўзига хослиги ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар намойиш этилаётгани Ўзбекистон ўзининг бой маънавий ва маданий мероси билан жаҳон цивилизациясида муносиб ўрин эгаллашни кўрсатади, — деди у.

**«Жаҳон» АА**  
**Киев**

басини ўзимизда жорий қилишдан иборат, — деди Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, доцент И.Анортоев. — Бундан ташқари, мулкдорлар ўртасида келиб чиқадиган муносабатни тартибга солишни ўрганиш ва аввал қабул қилинган қонунларни бир мунча такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Хорижлик олимлар Ўзбекистон Фуқаролик кодексини ҳуқуқий тафаккурнинг энг илғор ғоялари ҳамда халқаро стандартларни ўзида муқассамлаштирган мукаммал норматив-ҳуқуқий ҳужжат эканлигини эътироф этишди. Шунингдек, анжуманда Фуқаролик кодексининг миллий қонунчилик тизимидаги ўрни ва аҳамияти, уни янада такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Сурайё МЕЛИКУЛОВА,**  
**«Туркистон-пресс»**

Маънавият

**ЭЪЗОЗ ТОПАЁТГАН ЗИЁКОРЛАР**

**ҲАР САФАРИГДЕК БУ ЙИЛ ҲАМ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ХАЛҚАРО МАКТАБ КУТУБХОНАЛАРИ КУНИ МУНОСИБ НИШОНЛАНДИ. ШУ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН РЕСПУБЛИКА ПЕДАГОГИКА КУТУБХОНАСИ ЖОЙЛАРДА ҚИЗИҚАРЛИ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРДИ.**

Республика Фан ва таълим ходимлари қасаба уюшмаси томонидан ўз қасбини эъзозлаб, кўп йиллар давомида фидокорона меҳнат қилиб келаётган илгор кутубхоначилардан катта бир гуруҳи муносиб тақдирланди. Улар орасида Юнусов туманидаги 63-мактаб кутубхоначиси Васила Раҳимов, Собир Раҳимов туманидаги 29-мактабдан Доно Йўлдошева, Чилонзор туманидаги 217-мактабдан Ольга Алексеевалар бор.

Санъат

**ФАНГА БАҲШИДА УМР**

**САМАРАЛИ КЕЧГАН БУТУН УМРИНИ ИЛМ-ФАН РАВНАҚИГА БАҒИШЛАГАН АТОҚЛИ ОЛИМ, ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ, ПРОФЕССОР ТОШМУҲАММАД ҚОРИ-НИЁЗИДАН КАТТА МЕРОС ҚОЛГАН. АНА ШУ БОЙ ИЛМИЙ ХАЗИНА ҲАҚИДА ҲИҚОЯ ҚИЛУВЧИ ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНМОҚДА.**

Таниқли фан арбоби таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан экран юзини кўраётган мазкур илмий-оммабоп фильмда олимнинг ёшларга ибрат намунаси бўладиган хизматларига доир ҳаётий лавҳалар ҳам ўз аксини топади.

Шунингдек, томошабин қадамга маҳсулот билан йўналишларининг бугунги ютуқлари билан ҳам яқиндан танишади.

Мақсуд экран асари истеъдодли киносанъаткор Умид Ортиқов томонидан маҳорат билан суратга олинмоқда.

**КАШФИЁТ ҲАҚИДА ФИЛЬМ**

**БИР ГУРУҲ ХИМИК, ШИФОКОР ВА АМАЛИЁТЧИ ОЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИДА ЯРАТИЛГАН «АЛЛАНИН» ДОРИСИ ЮРАК-ҚОН ТОМИР ҲАСТАЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ИШОНЧЛИ ПРЕПАРАТ СИФАТИДА ЮЗАГА КЕЛДИ. ЎСИМЛИК ХОМ АШЁСИДАН ТАЙЁРЛАНГАН УШБУ ДОРИ ВОСИТАСИ ЭНДИЛИКДА САНОАТ АСОСИДА КЎПЛАБ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА.**

Тиббиёт соҳасида муҳим янгиллик бўлган мазкур препарат тадқиқотчилари фан ва техника соҳаси бўйича Ўзбекистон Давлат муқофотиغا сазовор бўлдилар. «Алланин мўъжизаси» деб номланган ҳужжатли фильм янги дорининг яратилиши, унинг инсон саломатлигини аҳамияти ҳақида ҳикоя қилади.

Ушбу экран асари Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясининг навабатида маҳсулоти янгилик яқин орада томошабинларга тақдим қилинади.

**ЯНГИ ТАРОНАЛАР ЯНГРАЙДИ**

**ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАРИ ИЗЛАНИШЛАРИ БИЛАН ЯНА ҚАТОР АСАРЛАР ЮЗАГА КЕЛДИ. БУ ИЖОД НАМУНАЛАРИ ОРАСИДА ОНА ДИЁРИМИЗНИ МАДҲ ЭТУВЧИ ТАРОНАЛАР АНЧАГИНА.**

«Тароналар базми» деб номланган мусиқа ҳам юртимизни куйловчи йирик асарлардан бири деб топилди. Таниқли бастакор Анор Назаровнинг мазкур асари Ўзбекистон халқ чолгулари оркестрининг янги концерт дастуридан ўрин олди.

Истеъдодли санъаткор Андрей Бобоев басталаган концерт-рапсодия ҳам муҳлисларга манзур бўлди. «Бозиргоний» халқ кўшиги эса бастакор Нуриддин Гисоев томонидан қайта сайқаллаштирилди. Бундан ташқари янги юзага келган қатор асарлар Ўзбекистон Давлат консерваторияси ижодий жамоалари томонидан ижро этилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

**ТАЛАБАЛАР МАРАФОНИ**

**«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ БЎЙЛАБ КЎП БОСҚИЧЛИ ЮГУРИШ МАРАФОНИ ЎТҚАЗИЛДИ.**

**«ЎЗБЕКНИНГ ГУРУИ ТОГЛАРДАН БАЛАНД» ШИОРИ ОСТИДА БЎЛИБ ЎТГАН УШБУ МАРАФОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ ҲОКИМИЯТИ ҲАМДА КАМОЛОТ ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Шаҳарча талабалари учун анъанага айланиб қолган бундай эстафетали югуриш марафони жорий йилда олтинчи мартаба ўтказилаётгани эътиборга моликдир.

— Марафонни ташкил этишдан мақсад, — деди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурат Чориев, — талаба-ёшлар орасида ҳисмоний баркамолликни тарғиб қилиш, спортнинг миллий, оммавий турларини ривожлантиришга қўмақлаштириш. Шунингдек, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида бунёд этилган спорт иншоотлари ва майдончаларидан самарали фойдаланишга эришиш ҳамда Конституцияимизнинг 15 йиллигини муносиб нишонлаш устувор вазифа этиб белгиланган.

Эрта тондан Миллий университет маданият саройида бошланган мусобақа етти босқичда бўлиб ўтди.

Унда йигирмага яқин олий ва ўрта махсус таълим муассасасининг талабалари иштирок этди. Биринчи ўринни Ўзбекистон давлат Миллий университети эгаллаган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларни Тошкент давлат юридик ва авиация институти қўлга киритди. Тошкент молия институти раббатлантирувчи ҳамда Тошкент Тиббиёт Академияси «энг уюшқоқ жамоа» номинацияси бўйича тақдирланди. Ўрта махсус таълим муассасалари ўртасида эса биринчи ўрин Тошкент банк коллежига насиб этди. Марафонда иккинчи ўринга Техника университети қошидаги академик лицей лойиқ деб топилган бўлса, учинчи ўринни Политехника касб-хўнар коллежи эгаллади.

— Биз бу галабага ишонганим, — деди Тошкент банк коллежи жамоаси талабалари. — Чунки бу мусобақага жуда яхши тайёргарлик қўрган эдик. Биз бугун жуда хурсандимиз ва бу каби дўстлик урғуларининг ҳар хунга ўтказилиб турилишини истаймиз.

Ғолибларга ҳомий ташилотлар совғалари топширилди ҳамда талабалар учун машҳур санъаткорлар иштирокчида концерт дастури намойиш этилди.

Марафоннинг тақдирлаш маросимида Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўринбосари Азимжон Парпиев иштирок этди.

**Рахшона ТОШПҮЛОВА,**  
**«Туркистон-пресс»**

**БОЛАЛАР КЎЗИДА ҚУВОНЧ ПОРЛАДИ**

**АЗАЛ-АЗАЛДАН ХАЛҚИМИЗ МЕҲР-МУРУВВАТГА КЎМАККА МУҲТОЖ, НОГИРОН ИНСОНЛАРГА ҲИММАТ, САҲОВАТ КЎРСАТИБ, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ КЕЛГАН. БУГУНГИ КУНДА БУ МАСАЛА ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН ҲАМ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИМОЛИ БЎЛИБ, КЎПЛАБ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ОФИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИБ, ТЎРТ МУЧАСИ СОҒ ИНСОНЛАР КАБИ ТЎЛА-ТЎКИС ҲАЁТ КЕЧИРИШЛАРИГА ОМИЛ БЎЛМОҚДА.**

Хусусан, Шайхонтоҳур туманидаги «Фаровон» қаҳвахонасида бўлиб ўтган катта хайрия акциясида иштирок этганлар юқоридаги фикрларнинг тўғрилигига яна бир қарар гувоҳ бўлдилар. Шинам ва файзли ушбу маскан 250 нафардан ортиқ ногирон, кўмакка муҳтож оила фарзандлари учун ёзилган чиройли дастурхон ва болажонларнинг қувноқ йўли-кулгулари, шўх қўшиқ, куйлари билан янада ғажажум бўлиб, яшнаб кетди.

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» жамғармаси ва ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг туман бўлимлари томонидан ташкил этилган ушбу тадбир болаликдан ногирон бўлиб ётиб қолган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари кўнгилни кўтариб, яйраб-яйнаб дам олишларига хизмат қилди.

— Хар бир инсон бахтли ва ҳаёт қувончларидан тўла бахраманд бўлишга ҳақли, — дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайёхон Пўлатова. — Аммо тақдир тақозоси билан ногирон бўлган болажонларга бундай имкониятни биз яратишимиз керак. Ахир ёшлар келажагимиз, уларнинг соғлом ва баркамол бўлишларига ҳисса қўшиш эса хар биримизнинг бурчимиздир.


Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, жорий йилда бу борада туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижроси йўлида кўплаб хайрия ишлари амалга оширилди. Хусусан, туман маҳаллаларида истикомат қилувчи кам таъминланган оилалар фарзандлари ёзги мавсум пайтида беғул тиқишбичи, пазандчилик сирларини

ўрганиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва компьютер сабоқларидан баҳраманд бўлишди.

— Болам Фарруҳоннинг қўзлабда порлаган қувончи кўришини ўзи мен учун катта бахт, — дейди 8 ёшдаги ногирон фарзандига меҳр билан боқиб турган Инобат Маҳмадова. — Тақдир экан, болам тўрт мучаси соғ ўртоқлари каби яйраб юролмайди, мактабга бороволмайди. Лекин Оллоҳга беадаб шукр, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрлик туфайли, қолаверса, мана шундай тадбирларда иштирок этиб, ҳаётга муқаббатти ортиб, мустақил ҳаракат қилишга, ўқишга, ёзишга интилоқда. Раҳмат, сизларга яхшилар.

Ҳа, яхшилик, меҳр-оқибат кўрсатиш инсон зийнати. У одамларни эзгуликка, ёруғликка, саховатли, химматли бўлишга қорлаб туради. Мана шундай инсонлар қаторида бўлиш хар биримизга насиб этсин.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**



2007—Ижтимоий ҳимоя йили

**ЯНГИ МАРКАЗ ОЧИЛДИ**

**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ШАҲРИМИЗНИНГ ЖУДА КЎПЛАБ ҲУДУДЛАРИДА ЯНГИ-ЯНГИ ИНШОТЛАР, МАҲАЛЛА ҒУЗАРЛАРИ, ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАР, МАКТАБ ВА СПОРТ МАЖМУАЛАРИ ҚУРИЛИБ ФЙДАЛАНИШГА ТОПИРИЛДИ. ЯҚИНДА «РАКАТ» МАҲАЛЛАСИДА ЯҚКАСАРОЙ ТУМАНИ МАҲАЛЛАЛАРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА ЎҚУВ МАРКАЗИНИНГ ОЧИЛИШИ ҲАМ КАТТА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИГА АЙЛИНА КЕТДИ.**

«Wola Vision» ташкилоти ёрдамида очилган ўқув маркази махсус эҳтиёжли болалар ва уларнинг оилаларига тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган шароитларни яратиш, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, руҳий ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинди. Айтиш кераки «Wola Vision» бутун дунё бўйлаб ижтимоий ривожланиш бўйича лойиҳаларни амалга оширувчи халқаро гуманитар ташкилотдир. У мамлакатимизда 2003 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда.

— Махсус ўқув марказини очилишдан асосий мақсад, — дейди «Ракат» маҳалласи оқсоқоли Улмас Шукуров, — тумандаги махсус эҳтиёжли болалар ва уларнинг оилаларига ёрдам бериш каби кенг қамровли ишларни амалга оширишдир. Марказда тўқш, тикиш, фан, санъат каби турли хил тўғараклар ҳам фаолият юритади. Компьютер курслари ташкил қилинди. Шунингдек, уларга фойдали маслаҳатларни бериш учун мутахассислар жалб қилинади. Асосийси, кўнгли ўқиб ёшларга бўш вақтларини ҳар томонлама мазмунли ва унумли ўтказишларига имкон яратилди. Истагимиз ягона, яъни ҳеч қачон ёш диллар ўқимасин, уларнинг хар бир оилари мароқли ўтсин. Эеро, халқимиз саховатпеша ва меҳр-оқибатлидир, бошқаларга ёрдам қилиш, меҳр-оқибатли бўлиш қон-қонимизга сингиб кетган одатдир. Илоҳим, шу эзгуликка интилган кўнгулларимиз ҳамини яхшилик йўлида хизмат қилаверсин.


Ўқув марказининг очилиш маросимида Низомиюмидаги Тошкент давлат Педагогика университети графика ва тасвирий санъат факультети ўқитувчилари ўзла-

рининг кўргазмалари билан иштирок этдилар. Шунингдек, туман Ўқувчилар ижодий маркази ва маҳаллага яқин бўлган мактаб ва мактабгача таълим муассасаси болаларининг байрамона чиқишлари, дилбар рақслари ва оҳанграбо қўшиқлари йилгиланларни хушнуд этди.

— Ўқув маркази қошида тузилган ишчи гуруҳ таркибига,—дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Ғузэл Нурматовна,—Яққасарой туман хотин-қизлар қўмитаси, туман меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, туман ҳудудий тиббиёт ва халқ таълими бўлими, маҳаллалар комиссиялари раҳбарлари, ногирон ишбилармон аёллар ассоциацияси ва махсус эҳтиёжли фарзандга эга фаол ота-оналар қиради. Жумладан, бизнинг марказ ҳам бу ерда турли хил маънавий-маърифий кечаларни, ижодий урғулар ва тадбирларни ўтказишни режага киритиб қўйди. Бу маскан келажақда илму-маърифат ва эзгуликка йўналтирувчи ажойиб бир гўша бўлиб қолишига ишонамиз. Умуми қилганимиз, саховатпеша кишилар янги марказга янада эътибор қаратадилар.

Ҳа, одамлар кўнглига қувонч улашиш, оғрини енгил қилиш, ҳаста дилларнинг дардини аритиш барчамизнинг инсонийлик бурчимиздир. Янги ўқув маркази эса ана шундай эзгу ишларни амалга оширишда асосий вазифа ҳисобланади.

**Гулҷехра ДУРДИЕВА**  
**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**  
**Рашид Галиев олган суратлар.**



**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ**

**Саъдий Шерозий ХИКМАТЛАР**

Тақдирнинг зўр ҳукми ижро бўларкан, Шоҳу гадолигин фарқи йўқ зарра. Бирорта қабри очиб қарасанг, Бой, фақир сўнгагин билмайсан сира.

Бировни ранжитма кўнундан келса, Чунки йўл устида тикан — нишлар кўп. Дарвеш кишиларнинг ҳолатин кўп, Ҳай ўз олдинда қилар ишлар кўп.

Бирор иш менсиз ҳам битажак экан, Нега шу тўғрида мен валақлайман. Кўрдимки, битта кўр чуқур лабида Ҳай-ҳайлаб қўймасам, бу гуноҳ манда.

Ақллилар улуғламас шундайлар зотин, Улуғларнинг ёмонлик-ла ёдласа отин. Тахту бахт, фармонлар, тақик ва зўрлик, Барчаси бекорчи: ўтиб кетади. Сийласанг ўтганлар азиз номини, Сенинг номингга ҳам ҳурмат етади.

Эшитдимки, Тангри ёзган тўғри йўлдан юрганлар, Душман дилин ҳам хафа қилмас экан ҳеч қачон. Сенга қачон шу ўқтамлик муяссар бўлар экан? Дўстинг билан келишмайсан, уришасан ҳар замон.

Эски кийимда ҳам орифдир аён, Чунки унинг юзи доим халқ томон. Гап кийим-бошдамас, иш бўлсин кўркам, Тож кийиб, елкангга байроқ кўйсанг ҳам. Ёлғиз кийим эмас, дунё ва шаҳват, Барчасин тарк этган орифдир фақат. Мард олсин қуролни, кўрсатсин кучин, Хунаса кўрқоққа қурол нимай-чун?

Каъбага етмайсан, деб кўрқаман, эй аъроби, Сен кетаётган бу йўл Туркистонга боради.

Бор хунарин кўз-кўз қилиб, қўлларида ардоқлаб, Айбларини элу юртдан қўлтиғига яширган, Ҳой, кеккайма, бирор оғир кунга қолсанг, қани, айт, Шу қалбаки, ўтмас пулга нима олмоқ бўласан?

Сиртдан қарасангиз, яхши кишиман, Ички ёмонликдан бошимдир қуйи. Товусни гўзал деб дунё мактайдиган, Обғидан уялар у умр бўйи.

Бирталай аргумоқ йўлларда қолди, Манзилга оқсаган эшак етолди. Ярали йигитлар соғайиб кетди, Не-не соғломларни қора ер ютди.

Хушовоз хонанданинг қўшиғи истироҳат, Сен қандай хонандасан, жим турсанг жонга роҳат.

У куйлай бошлади, чалиб аргунун, Мен дедим мезбонга: «Худо ҳаққи-чун, Қулоққа симоб қуй, шунки эшитмай, Ёки эшикни оч, нарироқ кетай!»

Гўзал оғиз, ширин бўғиз ва лабдан чиққан овоз, Куй айтса ҳам, айтмаса ҳам дил эрқалар, жуда соз, Аммо нўноқ қўшиқчининг кекирдагин безолмас Кўп ажойиб мақомлар ҳам: «Ушшоқ», «Хуросон», «Ҳижоз».

Боғда тонг ели эсса, мажнунтол тебранади, Чақиртош тебранмайди, қотиб қолган абадий.

Дикқат билан боқолсанг, барча нарса зикр этар, Буни тинглай олади ким маънидин бохабар. Гулга ёлғиз булбулмас куйловчи кўнгил билан, Гул ҳам уни улуғлар тикансимон тил билан.

Гуллар баъзан очилади, баъзан бўлади хазон, Дарахтлар ҳам гоҳ яланғоч, гоҳ кияр яшил чопон.

Ётлар билан биргаллашиб кезгандан кўра гулшан, Дўстлар ичра майли эди бўлса оёқда кишан.

Гўзал чирой, тоза юзли хотинга Упа-элик, зебу зийнат керакмас. Эркин-озод, етук ақл дарвешлар Нон қидириб кўча-кўйни изғимас.

Оч кишига қоқ нон ўзи қийма гўштдан кам эмас.

Тарки дунё қилмоқни халққа ўргатар, Ўзи-чи, йигади қумуш, галла, зар.

Ҳар олим айтганин ўзи қилмаса, Не ажаб, халқ унинг сўзин илмаса? Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

**Спорт янгиликлари**

**АЛП ҚОМАТЛИЛАР БЕЛЛАШДИ**

**СПОРТНИНГ БОДИБИЛДИНГ ТУРИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА МУСТАҚИЛЛИКДАН СЎНГ РИВОЖЛАНА БОШЛАГАН БЎЛСА-ДА, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКА БОДИБИЛДИНГ ВА ФИТНЕС ФЕДЕРАЦИЯСИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ ТУФАЙЛИ ЖОЙЛАРДА КЎПЛАБ КУЧЛИ СПОРТЧИЛАР ЕТИШИБ ЧИҚДИ. МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ ВА КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ МУНТАЗАМ РАВИШДА ЎТКАЗИЛИБ ТУРИБДИ.**

Бу борада яна бир хайрли аънамага қўл урилиб, «Зарафшон» концерт залида бодибилдинг ва бодифитнес бўйича икки кун давомида биринчи Ўзбекистон очик чемпионати бўлиб ўтди.

«Шарқ телеком» компанияси турнирга бош хомийлик қилган бўлса, «Хувайдо мебел», «Совфирма», «Шаффоф булоқ суви», «Nemiroff» савдо маркази каби корхоналар хомий сифатида чемпионатнинг ҳар томонлама рисоладагидек ўтиши учун кенг қўллаб-қувватлашди. «Доктор D» госпитали эса тиббий томондан мусобақача ўз кўмагини кўрсатди.

Мусобақанинг дастлабки куни саралаш босқичи ўтказилиб, энг кучли 26 нафар бодибилдинг устаси ҳамда иккита бодифитнесчи аёл финалга йўлланма олди. Қувонарли томони шундаки, аксарият қатнашчиларнинг ёши 20-26 да эканлиги мамлакатимиздан алп қоматлиларнинг умидли авлоди етишиб чиқаётганидан далolat беради.

Турнир очилишида сўзга чиққан республика бодибилдинг ва фитнес федерациясининг президенти Эркин Қодиров барча вилоятлардан ташриф буюрган спортчиларни кутлар экан, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш максатида уюштирилаётган очик чемпионат келаси йили албатта халқроқ турнир мақомини олишини таъкидлаб ўтди. Сўнг Россия бодибилдинг ва фитнес федерациясининг турнирга йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. Шундан

сўнг чемпионат қатнашчилари мажбурий ва эркин дастур бўйича 8 хил усулда, шунингдек, эркин раунд дақиқаси йўналишида бор куч-маҳоратларини намойиш этдилар.

Зални тўлдириб ўтирган мухлисларнинг қизгин қўллаб-қувватлашлари остида 65 килограммгача бўлган энг энгил вазнда 4 нафар спортчи турнирни бошлаб берди. Бунда ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонаси Шеру Раҳимовга насиб этди.


70 килограммгача бодибилдингчилар баҳсида бешта қатнашчи ўз маҳоратини кўрсатиб, Александр Васильев олтин нишон соҳиби бўлди. Кейинги вазнда эса Дмитрий Вдовин зафар қучишга муваффақ бўлди.

80 килограммгача вазнда кўп йиллик тажрибага эга пахлавон Александр Сахаров ҳақли равишда голиб чиқди.

85 килограммгача вазнда асосий баҳс икки арман спортчиси ўртасида кечди. Бироқ устунликка Ўзбекистоннинг уч қарра мутлак чемпиони Армен Пашикян эришди.

Маълумки, ҳар бир спорт турида энг қизиқарли кураш оғир вазнлилар ўртасида кечди. Бу гал ҳам шундай бўлди. 90 килограммгача вазндан юқори вазнларда Темур Собиров ва Андрей Деминлар энг кучлилар сафини бошқариб, олтин нишонларни қўлга киритишди.

Қизлар ўртасида бодифитнес бўйича ташкил этилган



мусобақаларда Ирина Финк галаба қозонди.

Ниҳоят барча етти вазндаги Ўзбекистон чемпионолари ўртасида мамлакат мутлак чемпионолиги учун хал қилувчи баҳс уюштирилди. Таъкидлаш жоизки, бунда асосий кураш Армен Пашикян ҳамда Темур Собировлар ўртасида кечди. Ҳақамлар ҳайъатининг қарорига кўра Темур Собиров мутлак чемпионлига эришиб, турнирнинг бош ссюринини қўлга киритди.

Мусобақа сўнгида ташкилотчилар томонидан юртимиз бодибилдинг фахрийларидан Юрий Дементьев ва Павел Мирошкинлар ушбу спорт тури ривожига қўшган қатъта хиссалари учун қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Эл севган хонандалар Мансур Тошматов, Лариса Мдоскалева, «Жами бул» гуруҳи ижросидаги шўх қўшиқ ва жозибали рақслар турнирга ўзгача фойза бағишлади.

Эндилкида спортчиларимиз Осие чемпионатида ўз қўчуларини синиб кўришади.

**ДИЛШОД ИСРОИЛОВ** бўйича биринчи Ўзбекистон очик чемпионатидан лавҳалар. **АЛЕКСЕЙ ПОПОВ** олган суратлар

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНING «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МУҲ 2008 ЙИЛ 8 ЯНВАРЬ КУНИ СОАТ 11.00 ДА ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲАМЗА ТУМАНИ СУД ИЖРОЧИЛАРИ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН**

**ҚУЙИДАГИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЙМОҚДА:**

2005 йил 1 февралдаги 1155- сонли ижро ҳужжати ва 2004 йил 30 декабрдаги 1-1123-сонли ижро варақага асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, Ҳамза 1-бەрк кўчаси, 8-уй манзилда сақланаётган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 30I3367 бўлган, «ВАЗ-2103» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси—1 120 000 сўм.**

2005 йил 7 январдаги 256-сонли ижро ҳужжати ва 2004 йил 16 декабрдаги 1-833-сонли ижро варақага асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уй манзилда сақланаётган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11P9597 бўлган «Москвич-2140» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси—350 236 сўм.**

2005 йил 22 августдаги 1-239/2005- сонли ижро варақага асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уй манзилда сақланаётган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10U8293 бўлган, «ГАЗ-2401» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 864 000 сўм.**

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорига закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р. 20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хужаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-А уйда жойлашган «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

1.Тошкент шаҳар, Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман судининг 2006 йил 27 октябрдаги 1-796/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган «ВАЗ-2101» русумли, давлат рақами 30D5433 бўлган, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси—536 000 сўм.**

2.Тошкент шаҳар, Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Миробод туман судининг 2007 йил 21 июндаги 1-363-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган: —БМВ-520» русумли, давлат рақами 15 I 4477 бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси—5 000 000 сўм.**

—БМВ-520» русумли, давлат рақами 30 T 9567 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси—5 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2008 йил 8 январь куни соат 11.00 да РКМБ биносидан бўлиб ўтади.

3. Шунингдек, арзонлаштирилган баҳода тақдоран, Тошкент шаҳар, Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Сергели тумани судининг 2005 йил 10 августдаги 1-717/05-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели тумани, ЖИБ судининг ҳовлисида, Спутник даҳаси 7/9да сақланаётган «Заз-968» русумли, давлат рақами М 9321 ТШ бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 72 минг сўм.**

Аукцион савдоси 2007 йил 25 декабрь куни соат 11.00 да РКМБ биносидан бўлиб ўтади.

Автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотека банк» С.Раҳимов филиалидаги МФО:00901, ИНН: 200933850, 20210000500571452105 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумотларни 228-79-52 телефони ва [www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz) сайтидан олиш имкониятига эгасиз.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли Фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	М.С.Турсунхўжаева номи тиббиёт коллежи	С.Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/5 даҳаси, Ўразбоева кўчаси, 17-уй

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимига педагог иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумотли таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1.Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
- 2.Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;
- 3.Сўровнома (справка-объективка);
- 4.Таржимаи ҳол;
- 5.Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
- 6.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
- 7.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
- 8.3x4 ўлчамли 9 дона фотосурат;
- 9.Паспорт (нусхаси);
- 10.Тавсифнома;
- 11.Меҳнат дафтарчасидан нусха.

**Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Пуш-кин кўчаси, 7-уй, 6-қават.**

**Телефонлар: 136-05-01, 133-80-34.**

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 1107

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.**

• Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида териди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханона. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 65